

Она юртинг — олтин бешигинг

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 50 (66279)
2000 йил 14 декабрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

КЕЛАЮТГАН 2001-ЙИЛ - ONALAR VA BOLALAR YILI



SEN ERTAMGA MAVZUSAN

Sen o'gilsan otangga,
Buvangga nabirasan.
Sodiq bo'lib akangga,
Yigit bo'lib borasan.

Ko'ngilga solgay qutqu,
Neki bo'lsa yo'qolsin!
Nabiram usti butun,
Qorni doim to'q bo'lsin!"..

Nabirasan, o'g'ilsan,
Hech kimga birovmassan.
Sen yoshlik, dil cho'g'liksan,
Sochdagi qirovmassan.

Tez o'suvchan bolasan,
Hur zamonga mos tushgan.
Ziyrak, zukko bolasan,
Kitob bilan do'stlashgan.

Seni sevishar, chunki
Bobongga nabirasan.
Otang yuzida kulgu,
Sen izidan borasan.

Katta umid, orzusan,
Ulg'ayasan erkin, hur.
Sen ertamga mavzusan,
Borligingga tashakkur!

Bilasan, tinchlik istab,
Buvang jangga kirganin..
Xotirjam kunni istab,
Otang yelib yurganin.

Opa-singil, akangning,
Ukangning qanotisan.
Bechora - holi tangning
Jonisan, hayotisan.

UMIDA

USTOZ MEHRI BO'LAKCHA

Men Shovot tumanidagi 41-maktabning uyida o'qitiladigan 7-sinf nogiron o'quvchisiman. Meni o'z farzandidek ko'ruvchi ustozim Norgul opa Rahimova hech bir darsni qoldirmasdan shug'ullanadilar. Agarda maktabda biror tadbir bo'lsa meni albatta olib boradilar. Bundan juda xursand bo'laman. Chunki bir oz bo'lsa ham tengdoshlarim davrasida bo'lish men uchun katta baxt.

O'sha kuni ustozim meni maktabimizning yetakchi opamiz bilan tanishtirdilar. "Tong yulduzi" gazetasiga obuna bo'lishingni tavsiya qilayaptilar". dedilar.

"Tong yulduzi" gazetasi bilan ham ustozim tanishtirgan edilar. Undagi maqolalar, hikoyalar, she'rlar menga juda yoqadi.

Shu gazetam orqali menga o'z bilim va mehrini ayamayotgan ustozimga minnatdorlik bildirmoqchiman. Oramizda mana shunday insonlar bor ekan, biz nogironlar ham ko'ngli but.

Iqboloy UMAROVA,
Xorazm viloyati, Shovot tumanidagi 41-maktabning 7-sinf o'quvchisi

ONAJON

Onajonlar haqida ko'p gapiramiz. Ularni ta'riflashga so'z ham topa olmaymiz. Ona so'zi juda sirli so'z. Onajon so'zi Vatan so'ziga juda o'xshashib ketadi. Vatan so'zida xalq, do'stlar, ona tabiat, qarindosh urug'larni tushunsak, ona so'zida esa sizga va bizga mehriyu muhabbatini bergan aziz volidai muhtaramamizni tushunamiz. Chaqaloqligimizda kechalari beshikda yotib onajonimizga yig'layverib uxlatishga qo'ymas edik. Onajonimiz kechalari allalar aytib "jonim bolam" deb erkalab, suyishar edilar. Onajonimiz bizga oq sut berib, ikki-uch yoshimizgacha o'z bag'rilaridan qo'ymas edilar. Katta bo'lib, o'n-o'n bir yoshga to'lib qolgan bo'lsak ham kechalari qoshimizga kelib, termulib, boshimizni silab-siyab ketishadi. Onamizga butun dunyoni olib bersak ham kam. Chunki onalarimiz bizlarga o'z mehru muhabbatlarini beribgina qolmay, bizlarga odob-axloq va dunyodagi barcha yaxshi fazilatlarni o'rgatishga harakat qiladilar. Onalarga atab juda ko'p she'rlar, dostonlar, hikmatli so'zlar aytilgan. Ular mo'tabar insonlardir.

**Osmo'ni olib beraymi sizga,
Yulduzni terib beraymi onam?
Bunchalar mehribon ekansiz bizga,
Siz bilan charog'on bu ko'hna olam.**

Gulchehra ABDUAZIMOVA,
273-maktabning
5-"A" sinf o'quvchisi

ЖИЗЗАХЛИК ҲАР БИР БОЛА "ТОНГ ЮЛДУЗИ"НИ ЎҚИЙДИ

Ва инҳоят, Жиззах вилояти Халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Гуландон Субҳонова билан телефон орқали боғландик. Гуландон опанинг вилоят таълим муассасаларидаги ишлари шунчалик кўп эканки, ҳатто уларни ойлаб кутишга тўғри келди.

Чунки, вилоятдаги 522 та мактаб таълим муассасаси бўлиб, 256 миңдан ортиқ ўқувчилар қувонч ва таъвиши раҳбарни бир хонада ўтиришига вақт бермайди-да.

Вилоятнинг Зомин туманидаги ЮНЕСКО ташкилотига қарашли 1-мактаб, Мирзачўлдаги 18-мактаб, Жиззах шаҳридаги 14-мактаб, Дўстлик туманидаги 14-мактаб ўқувчилари ҳар соҳада барчага ўрнак бўлмоқдалар. Дўстлик шаҳри Жиззахда 5 тилда дарслар ўтилади. Қозоқ, қирғиз, тожик, рус ва ўзбек. Аммо қардош республикалар билан шартнома асосида старли эмаслиги бизни қий-даги 14-мактаб, Жиззах-туманидаги 13-мактаб-ечкиллари кутмоқда.

Вилоятда биринчи марта ўтказилаётган "Йил психологи" талбирида барча туман мактаб ўқувчилари фаол иштирок этдилар. Мактабларда "Олимпиада умидлари - 2001" спорт мусобақасининг 1-тури ўтказилмоқда.

Халқимизнинг савоб деб айтилган ишини Жиззах туманидаги Аҳмаджон Исмоилов номли мактабда кўриш мумкин. Аҳмаджон аканинг ўғиллари мактабга ҳомийлик қилиб 27 млн. сўмлик пул ажратиб мактаб ишига сарфладилар. Вилоятда бу каби ҳомийларимиз бармоқ билан санарли бўлса-да, халқимизнинг савоб ишига ҳисса қўшаётган инсонлардан миннатдоримиз, деди Гуландон опа. - Галлаорол туманидаги ҳомийлар ёрдами билан 70 млн. сўмлик ажратилган пул ҳам кўпгина муаммоларимизни тугатишга ёрдам берди.

Янги йил, янги аср бизни янада ғайрат ва масъулият билан чорламоқда. "Соғлом авлод йили"да режалаштирилган кўпгина ишларимиз якунланмай қолган эди. Бу ишлар натижасини эса кечагина эълон қилинган янги 2001 йилни "Onalar va bolalar yili"да давом эттириш ниятидамиз.

Изласангиз ҳар бир бола ижодкор. Ана шу мақсадлар бизни доим болаларнинг газета ва журналларга обуна бўлиш ишларида янада масъулият билан ишлашга ундамоқда.

Мен "Тонг юлдузи" газетасини ҳар гал ўқир эканман, ўзим ҳам болалikka қайтгандек бўлавераман. Шунинг учун ҳам жаззахлик ҳар бир бола "Тонг юлдузи"ни ўқиши керак деб ўйлайман. Бунинг учун ҳаракат қиламан ҳам!

Мазмура МАДРАҲИМОВА ёзиб олди.

«ТОНГ ЮЛДУЗИ»ГА



Men 7-sinfda o'qiyman. Yaqinda taekvando bo'yicha qorabelbog' sohibi bo'ldim. Jussam kichik bo'lsa ham, mashhur sportchi bo'lgim keladi. Hatto kasal bo'lib qolgan kunlarimda ham to'garakka borgim kelaveradi. "Yoshlik" sport

kompleksidagi ustozimga juda havas qilaman. Guruhimizda 48 nafar o'g'il bola, 2 nafar qiz bor. Do'stlarimdan Ma'rufjon Zokirov, Javohir Miraliyev ham men kabi qorabelbog' sohiblari. Ustozimiz har kuni mashg'ulotdan so'ng uyimizga kuzatar ekanlar: "Ko'chada bolalar bilan urishmanglar, men sportchiman deb, nohaq kuch ishlatmanglar, qachonki sizlarga zo'ravonlik qilishsa, javob qaytaringlar",-deb tayinlaydilar.

Uch yoshli ukam Abdulla ham sport ishqibozi. Abdulla uyda o'z xoliga akrobatik mashqlarni bajaradi. Singlim Malika esa tikuvchi bo'lmoqchi. Oyimga qolsa meni mashg'ulotlarga ham yubormasalar. "Qo'y o'g'lim, har kuni qatnayverib charchab qolyapsan",-deydilar. Dadam esa qiziqishimga qarshi chiqmaydilar.

Sevimli shoirimiz Usmon A'zim "yomonning ismi yo'q" deb yozadi. Chunki yomonlik ko'p hollarda bekorchilikdan kelib chiqdi. Yomonlikka yomon, e'tiqodsiz insonlarning o'zlari ism qo'yadilar...

Biz bolalar shu go'zal yurtning porloq ertasimiz. Ajabmaski, mashhur sportchi bo'lib, yurt bayrog'ini baland ko'tarish menga ham nasib etsa.

Umidjon KAMOLOV,
Toshkent shahar, Shayxontohur tumanidagi 59-maktabning 7-sinf o'quvchisi.

"ФАРЗАНЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДАРАТЛИ БЎЛУР"

Ана шу шиор остида ўтказилаётган "Олимпиада умидлари - 2001" спорт мусобақасининг биринчи bosқичи Булоқбоши туманидаги 10-ихтисослаштирилган мактаб-интернатиди бўлиб ўтди.


Унда иштирок этиш учун мактаб-интернатининг барча ўқувчилари жалб қилинди. Дастурда белгиланган етита тур бўйича ўзларининг чаққон ва билимдонликларини кўрсатишди.

Саралаш давомида шу нарсага амин бўлдики, мактабимиз ўқувчилари спортсевар, доно болалар экан.

Ҳайъат аъзолари улар иштирокида терма гуруҳ туздилар. Айни кунларда бу гуруҳ иккинчи bosқичга тайёргарлик кўришяпти.

Спортчи тенгдошларимиз мактабимиз, туманимиз номини оқлашади, деб умид қиламиз.

Раънохон ЗИЯЙДИНОВА,
Андижон вилояти, Булоқбоши туманидаги 10-ихтисослаштирилган мактаб интернатининг 10-сиф ўқувчиси.



TOLEIMDAN MAMNUNMAN

O'zbekistonim, nomingni tilga olganimga ko'z o'ngimga paxtazoru yamyashil bog'lar, bo'ylaru osmonga tutash tog'lar namoyon bo'ladi.

Mana shu aziz yurt farzandi ekanligimdan faxrlanaman. Mustaqilligimiz sharofati bilan 1996 yil qishlog'imizga tabiiy gaz kirib keldi. O'shanda ayamning suyunganlarini aytmayisizmi?!


1997 yil dadamning o'quvchisi olimpiadada g'olib chiqdi. 1998 yilda dadam O'zbekiston xalq ta'limi a'lochisi unvoni bilan taqdirlandilar...

1998 yilda eng ibratli "Oila" tanlovida oilamiz tumanda birinchi o'rinni egalladi. 1999 yilda tumanimizda o'tkazilgan "Eng ibratli kelinchak" tanlovida ayam faxrli ikkinchi o'rinni egalladilar...

2000 yilda esa omad menga kulib boqdi. Qator she'r va maqolalarim "Tong yulduzi" gazetasida bosilib chiqdi. Eh, o'shanda quvonchimni ko'rsangiz edi...

Shularni o'ylar ekanman, qonun ustuvor bo'lgan mamlakatda yashayotganimgan mamnunlik bilan birga ma'suliyatni ham his qilaman. Bu esa bizni yanada yaxshiroq o'qishga ko'proq bilim olishga undaydi.

Gulruh YO'LDOSHEVA,
Xatirchi tumanidagi M. Jalil nomli 54- o'rta maktab o'quvchisi.



USTOZIMIZ-FAXRIMIZ

Ota-ona farzandiga hayot bersa, ustoz shogirdiga najot berarkan. Aziz ustozlarimizni inson qalbining me'mori degim keladi. Yaqinda maktabimizda ajoyib xushxabar tarqaldi. Prezidentimiz Farmoni bilan ta'lim-tarbiya tizimida o'rnak ko'rsatganliklari uchun sevimli ustozimiz Toshpo'lat akaga "O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan yoshlar murabbiysi" degan faxriy unvon berildi. U kishining 30 yillik samarali mehnatlari zoye ketmaganligidan quvondik.

Hamma ustozni tabriklamoqqa shoshadi. Men ham shunday ustozim borligidan faxrlandim

Gulzat JO'RABEKOVA,
Navoiy viloyati, Konibek tumani 10-o'rta maktabning 9-"B" sinf o'quvchisi

Zulfiya izdoshlari

MUKOFAT MUBORAK!

Shu kunlarda maktabimiz o'qituvchi va o'quvchilarining quvonchi bir olam. 9-"V" sinf o'quvchisi Husnida Qosimova tumanimizda o'tkazilgan "Nafosat" yosh ijodkorlar ko'rik-tanlovida ishtirok etib, viloyat bosqichiga yo'llanma olibdi. Viloyat yosh ijodkorlari bilan bellashib, respublikaga chiqibdi.

Kuni-kecha Husnidaxon poytaxtimizdan quvonch bilan qaytib keldi. Yurtboshimizga atab "Yaratgan asrasin" sheri uchun "Sog'lom avlod uchun" jurnalining "Fahriy yorliqlari" bilan taqdirlanibdi.

Mustaqil yurt kelajagini kuylashda ijodingga barkamollik tilaymiz.

Muxarramoy TURDALIYEVA
Farg'ona viloyati, Furqat tumanidagi Usmon Nosir nomli 21-maktabning til va adabiyot muallimasi.

TO'GARAKLAR KO'P BO'LSA

Maktabimizda juda ko'plab to'garaklar faoliyat ko'rsatadi. Ularning ko'pchiligi sport to'garaklaridir. Ukam Xayrullo shaxmat-shaxka to'garagi a'zosi. Haftada ikki marotaba mashg'ulot o'tishadi.

Shaxmat-shaxka miyani charxlaydi, deyishadi. Men bu gapning rostligiga ishondim. Chunki ukam mashg'ulotlarga borgandan buyon o'zlashtirishi juda yaxshi bo'lib qoldi. Ayniqsa, matematika faniga qiziqishi ortdi.

Singlin Feruza tennis togaragining a'zosi. Uning kelajakdagi orzusi Iroda To'laganovadek mashhur tennischi bo'lish.

Men esa "Yosh qalamkashlar" to'garagining a'zosiman. Maktabdagi ko'plab tadbirlar, kechalarda to'garagimiz a'zolari faol qatnashishadi.

Kelajakda kuchli jurnalist bo'lgim keladi. Nimaniki o'rgansam, ana shu ustozlarimdan o'rganaman. Buning uchun ulardan minnatdorman.

Dilbar OTAJONOVA,
Toshkent viloyati, Zangiota tumanidagi, Do'stlik nomli 16-maktabning 9-sinf o'quvchisi.

TALASHMAYDIGAN BO'LDIK

Assalomu alaykum "Tong yulduzi". Har yili sinfimuz uchun bir dona "Tong yulduzi" kelar edi. U qo'ldan-qo'lga o'tib, bir amallab o'qib chiqardik. Gohida shu gazetani deb talashib-tortishadigan ham bo'ldik. Chunki sinfdoshlarimning ayrimlariga umuman yetib kelmas edi.

2001 yilda shu vaziyatdan chiqadigan bo'ldik. Sinfdoshlarimizning ko'plari "Tong yulduzi" gazetasiga obuna bo'ldilar. Endi gazetamizni tashlamaymiz. Uni bemalol, xohlagan vaqtimizda qayta-qayta o'qiyveramiz.

Fotima ZAYNIDDINOVA,
Nodira ERGASHEVA,
Malika UMIROVA,
Qashqadaryo viloyati, Qarshi shahridagi 17-maktabning 7-sinf o'quvchilari.

Донолар умрни оқар дарёга менгзайдилар. Зеро, дарёлар ҳам оқиб ўтган йўлларида ўзларидан қанчалар ирмоғу-сойлар қолдирганлари сингари инсон умри ҳам ўтаверган сари ортидан гоҳ эзгин, гоҳ рангин хотиралар қолдириб кетаверади.

Турғун ака Ортиқовнинг чорак асрлик умр йўлларига назар ташлар эканмиз, устоз ўтган йўллардаги илм дарёларининг мунаввар қирғоқларига ҳар лаҳзада дуч келаверамиз.

Мураббийлик, устозлик Турғун акага қон билан кирган улкан бир қатъиятдир. Мана, қарийиб 32 йилдики Каттакўрғон худудида жойлашган 12-ўрта мактабда муаллимлик қилиш билан бирга туман халқ таълими бўлимида бошлангич синф ўқитувчиларига услубчилик вазифини чексиз бир фидойилик билан бағриб келмоқдалар.

Қадим-қадим замонлардан буён аҳли башарият бир ёруғ сиймога эътиқод қўйиб келади. Бу сиймо ҳали кўнгил кўзлари юмуқ бўлган мурғак

дунёларни илмнинг муаззам осмонлари сари илк бор улкан машаққатлар ва мардоналиклар аро бошлаб борувчи биринчи муаллимдир. Биринчи муаллимнинг юракларда қолдирган ўчмас илм машъали тоабд тарк этмайди.

Устоз ҳақида сўз

Бу қадим ҳикматни Турғунбой аканинг юзлаб шогирдлари ҳам жуда яхши англаб олганлари боис ҳамшиша ўзларининг яхши кунларида устозни уйлари-нинг тўрларига ўтказиб эъзоз кўрсатадилар.

Турғун аканинг сермашаққат устозлик фаолиятлари, фидойи меҳнат йўллари ўз касбларига бўлган чексиз садоқатлари муносиб баҳолашиб, 1987 йилда у кишига “Катта ўқитувчи” унвони берилди. Бу унвон Турғун акани

янада изланишга, интилишга чорлади.

Турғун ака бу интилишларининг самарасини бугунги кунда шо-

гирдлари Гулнора Маматқулова, Марҳабо Баҳриддинова, Назира Саманова, Ўралтош Мусаева, Маҳсуда Фаффорова, Марҳабо Ҳамидоваларнинг тимсолида аён кўраётирлар.

Жамиятимизнинг энг фидойи вакиллари бўлмиш ўқитувчилар ва айниқса қишлоқ ўқитувчиларининг ўқувчиларга, жамиятимизга ва ўз касбларига бўлган буюк эътиқодларига, саботларига ҳар қанча таъриф-тафсишлар айтилса, шунчалар озлик қилади.

Зеро, улардаги бу муқаддас са-

доқат жамийи ки луғатларни иш-гол этган сўзларга сизмайди.

“Сиз сўзгада, шеъргада сизмайсиз. Шунинг учун ҳам мен сизга китоб бағишлай олмадим. Лекин умримдаги энг азиз бўлган қалбимни бут-бутунлигича фақатгина сизга бағишлайман” - деган экан рус шоираси Марина Цветова ўз устозига бағишланган юрак изҳорларининг бирида. **Ҳақиқатдан ҳам муаллимлик, устозлик бу қалб тарбиясидир. Бу қалб тарбиясини эса фақат, фақат қалби бедор, юраги эзгу тугёнлардан уйғоқ, ўз маслағига собит кишиларгина адо эта оладилар.** Мана шундай илоҳий бир ишга буюк камарбасталик билан бел боғлаган Турғун ака Ортиқовга мен яна бир бор беадад фидойилик тилаб қоламан. Инчунун, қалб сари тортилган йўллар фақатгина фидойиликдан бошланади.

Азиза БОЙМУРОДОВА,
Каттакўрғон туманидаги
28-ўрта мактабнинг ўқитувчиси

“ЖАР”ДАГИ ХАЛАЖОНЛАР

Пойтахтимизнинг “Жар” спорт комплексидида каратэ бўйича ёшлар ўртасида “Ўзбекистон кубоги” учун мусобақалар бўлиб ўтгани ёдингиздадир? Икки кун давом этган беллашувларга Фурқат ака Мирбобоев бош ҳакамлик қилдилар. Мурасасиз кечган мусобақалар якунланиб, голиблар аниқланди. Биринчи ўринни Ўзбекистон Миллий каратэ Федерацияси йигитлари эгаллашган бўлса, иккинчи ўрин “Азамат - Карим” клубига, учинчи ўрин эса “Қарши” клубига насиб этди. Мен “Ўзбекистон кубоги”ни қўлга киритган “Каратэ” клубининг қатнашчиларини сизнинг номингиздан ғалаба билан муборакбод этиб, айримларини суҳбатга тортдим.

Илҳом КАРИМОВ, 1994 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1994 йилда усмирлар ўртасида бўлиб ўтган мусобақада биринчи ўринни эгаллаган. 2000 йил август ойида Шотландиянинг Глазго шаҳрида бўлиб ўтган мусобақада IX жаҳон кубоги беллашувидида жаҳон чемпиони бўлган. Қора белбоғ I ДАН соҳиби.

-Илҳом ака, мана шундай юқори чўққиларни эгаллаб, зафар кучинингизда кимнингдир хизмати борми?

-Спорт соҳасида нимагаки эришган бўлсам, барчасига устозим Нурхон Нафасовнинг ёрдамлари, маслаҳат ва йўл-йўриқлари туфайли эришдим, десам бўлади.


-Соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб етишишлари учун тенгдошларингизга нималарни маслаҳат берардингиз?

-Болалик инсон умрининг олтин даври. Шундай экан, бу даврнинг қадрига етишимиз керак. Тенгдошларимга маслаҳат беришга ёшлик қиларману лекин спиртли ичимликлар ичмай, чекмай, спорт билан

мунтазам шугулланишларини истардим.

Отабек ҚОСИМОВ, 1984 йилда туғилган. Спортдаги фаолиятини 1994 йилдан “Каратэ” клубида бошлаган, жамоа сардори. Қора белбоғ I ДАН соҳиби:

-Мана “Ўзбекистон кубоги”ни қўлга киритдингиз. Уни илк бор қўлингизга олганингизда дилингиздан



ва унга албатта амал қиламан.

-Клубингизда ҳамма шароитлар етарлими?

-Шароитлар етарли бўлмаганида, голиб бўлармиким?

Икром КАРИМОВ, 1984 йилда туғилган. 1994 йилдан бери спортнинг мазкур тури билан шугулланиб келади. Қора белбоғ I ДАН соҳиби.

-Келгусидаги режаларингиз билан ўртоқлашсангиз.

-Бўлажак мусобақаларда голибликни қўлга киритиб, юртимиз байроғини баланд кўтаришни ният қиламан. Яна устозим Нурхон Нафасовдек моҳир спорт мураббийси бўлишни орзу қиламан.

Суҳбатимиз якунида Каратэ Миллий Федерациясида узоқ йиллар давомида ишлаб келган Қаҳрамон ака Нафасовнинг ҳам мусобақалар хусусидаги фикрларини билишга қизиқдик:

-«Жар»даги мусобақалар жуда ҳам қизиқарли ўтди. Қувонарли томони шунда бўлдики, республикамизнинг турли туман ва вилоятларидан келган иштирокчиларимиз ҳам голибликни қўлга киритиб, олтин медаллар билан уйларида қайтишди. Ўз мустақил фикрига эга, мақсад йўлида тинмай меҳнат қилаётган, юртимиз шарафини юксакларга кўтариш мақсад ва маслағи бўлган ёшларимизнинг кўплигидан қувонасан киши.

ҚУВОНЧИНГИЗ-ҚУВОНЧИМИЗ, АЗИЗ УСТОЗ!

Мухлиса МУҲИДДИНОВА
суҳбатлашди.
Тошкентдаги
22-мактаб ўқувчиси

ЎЗИМ ГОЛИВ БЎЛГАНДЕК...

Бир неча йиллардан буён “Меҳнат резервлари” спорт комплекси қошидаги бокс секциясига қатнашиб келаман. Келгусидаги орзуим Артур Григоряндек моҳир боксчи бўлиб, юртимиз доврўғини дунёга таратиш.

Куни-кеча телевизор орқали ҳамюртимиз Артурнинг ўн учинчи марта жаҳон чемпиони бўлганлигини кўриб, худди ўзим чемпион бўлгандек қувониб кетдим. Севинганимдан кўшиқ ҳиргойи қилиб, юмушларни бажараётганлигимни кўрган ойижоним: “Яқинда футболчиларимиз аллақандай мусобақада ютқазиб келишганида, анчагача чиройинг очилмай юрганди. Бугун эса жуда хурсандсан. Артур ҳар доим ютиб юрсин-е...” дея кулиб қўйдилар.

Ҳабибилло ОЛИМЖОНОВ,
Собир Раҳимов туманидаги 249-мактабнинг
10-синф ўқувчиси.



қандай ҳис-туйғулар кечди?

-Бу пайтдаги ҳолатимни таърифлашга тилим ожизлик қилади. Машаққатли меҳнатимиз самарасини кўрганимиздан бахтиёрман.

-Келажакда ким бўлмоқчисиз?

-Бу ҳақда ҳали жиддий уйлаб кўрганим йўқ. Лекин ким бўлсам ҳам юртим учун муносиб фарзанд бўлишни орзу қиламан.

Шерзод ҚОДИРОВ, 1983 йилда туғилган. 1993 йилдан буён каратэ билан шугулланиб келади. Қора белбоғ I ДАН соҳиби.


-Ҳаётдаги шиорингиз қандай ва унга амал қиласизми?

-Шиорим одил ва кучли бўлиш


Кавсар ТУРДИЕВА

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ


Бирор бир белгиде



**Сўзларда буйруқ, ундов,
Нега? Сўрарсиз дарров.
Жаҳлдор туюлар,
Иммо тўғри буюрар.
Уларни эслаб қолинг -
Ҳовф-хатар олдин олинг!**





Эгри йўлдан юрмагин
Гўё ўхшаб ўғрига.
Ҳаракатланиш керак
Фақатгина тўғрига.



Кўрдинг, белгим қараган
Турли-туман томонга.
Ажратмагин уларни
Сира яхши-ёмонга.



Қараб ўтгин, қай жойда
Бирор белгим терилган.
Расм ичра ҳаракат
Йўналиши берилган.




Учта белгим дёр менинг
Шуни эсингда тутгин.
Тўсиқни ўнгдан, чапдан
Ё танлаб четлаб ўтгин.

Мен бор жойда азизим
Тўғри йўлга шайланма.
Кўряпсанку белгимда
Йўлинг фақат айланма.



Катта машиналар
қилсинлар тоқат.
Енгил машиналар
юрсинлар фақат.



Майли юрса пиёда
қисавермай елкасин.
Лекин асли бу ерда
велосипед йўлкаси.



Азиз пиёда!
Чиқавер йўлга.
Сенинг учундир
Бу тушган йўлка.



Рақамга қара
Зийрак кўзлим.
Шундан ҳам қилма
Энг паст тезлигинг.




Дема, юраман қанча
чақирим
Энг кам тезликни
йўлнинг охири.


ОХБОРОТ КўРСАТУВЧИ БЕЛГИЛАР




**Белгиларим олгин ёд
Улар берар охборот.
Ҳаммаси турли жойда
Билсанг, ўзингга қойда.**




Белгим дер: кириб тилга
Бу йўл автомобилга.




Чизиқлар гўё кўрсатув қўли
Бўлақлар бўйлаб ҳаракат йўли.




Мени кўрганда тани
Кўрсатгум масофани.



Белгим гўё эгик ўқ ёни
Шундан билавер
қайрилиш жойи.




Белгим дер: бу йўл
си ларга таниш
Бир томонлама
ҳаракатланиш.




Қоидани бузиб сўнг,
қилмагин йиғи-сиғи.
Белгимдаги бу рақам -
қайрилиш оралиғи.




Бир ҳарф бордир белгимда
уни равшан кўравер.
Дам олишни хоҳласанг,
бориб тўхтаб туравер.



Менинг белгим кўрди-ю,
ҳайдовчилар тўхтади.
Бу ерлардан дўстгинам,
пиёдалар ўтади.




Белгим ушбу сўзларни
Шиор каби тутади.
Пиёдалар бу жойда
Ер устидан ўтади.



Пастга кетган зиналар
Азизим, эсингда тут.
Пиёда бўлсанг агар
Ер ости йўлидан ўт.



Мени кўру, уқиб ол
Белгимда ушбу гапки.
Йўналишлар бўйича
Бу кўрсаткич дастлабки.




Билгин, нимада ахир
Гапларим мазмун, кучи.
Унда бор ё йўналиш
Ё улар кўрсаткичи.



Бу қандай рақам, дея
Ҳайрон бўляпсиз, сездик.
Бу рақам йўлларга
Тавсия этган тезлик.




Мени кўрганинг заҳот
Унутма, шуни ҳечам.
Шу йўлнинг ниҳояси
Охири берк йўл, кўча.



Ёзувимда чизиқ бор
Чизиқсиз яна бири.
Аҳоли яшайдиган
Жойнинг боши, охири.



Менинг сўзимни
демагил ҳазил
Кўрсатар қандай ном
олган манзил.



Белгиларим транспортлар
тасвирига бой
Уша транспорт воситаси
тўхтайдиган жой.



Ҳамма хоҳлар кенг, равон
Катта йўлда келгиси.
Узун-узун рақамлар
Километр белгиси.




Мумкин эмас юк
машина қийналиши
Бор-ку ахир,
ҳаракатнинг йўналиши.



Чизибди қай мусаввир
Айланма учун тасвир.
Олдинда бир сигналиш
Четлаб ўт, дер йўналиш.



Менинг белгим гўёки
Етакчи ўтказгичи.
Бошқа қатнов қисмига
Тизимим кўрсаткичи.



СЕРВИС БЕЛГИЛАР



*Нимага бўлдинг муҳтож,
Чанқадинг ё қорнинг оч.
Керакли шифохона,
Зарурми, меҳмонхона?
Ёқилги қайда ё мой,
Билгинг келар, ҳойнаҳой.
Белгимга қил эътибор
Унда барча расм бор.*



Белгим дер: муҳтож одам
Олади тиббий ёрдам.



Дейман:
Бунда машиналар
Поклик ичра кўмилишар.
Чунки чанги ювилар-у
Оппоқ бўлиб чўмилишар.



Белгим сўз қотар: Ана
Яқиндир шифохона.



Ўзгармас белгим сўзи
Йилнинг ҳар ойи.
Яқин ёнилгининг
Куйилиш жойи.

ТУХТА

Аҳволингиз бўлмай танг
Белгим дер: Фақат тўхта!



Босиб ўтдим узоқ йўл
Юзлаб чақирим.
Дам олишни хоҳларсан
Шунда охири.
Сени кутар кемпинг
Йўлдаги ўтов.
Дамингни олиб кет,
Ҳайдовчи бирров.



Белгим дам олдирувчи,
Чарчоқни қолдирувчи.
Сўзлар:
Дўстим хордиқ ол
Бирпас ўтир бемалол.



Менинг белгим
кўрган он
Билгин: яқин телефон.



Белгим кўрсанг,
ҳайдовчи
Келавер хаёл сурмай.
Дейман: Яқин ошхона
Ишгаҳанг бўлсин
карнай.




Белгим кўрган пайт
жазирама ёз
Тўхтагин, сув ич,
чанқоғингни бос.



Белгимда катта
сўз "ДАН"
Топдинг бу
шундай маскан.
Юзингда жиддий ҳолат
Ҳа, бу - автоназорат!




Машинангни аста тўхтат
Кўрсатилар техник
хизмат.




Уйқу келса бўлма бедор
Бу ерда меҳмонхона бор.

Қўшимча ахборот белгилари




7.4. Сенга айтақолай,
белгим сирларин
Расмим кўрсатади
транспорт турларин.




*Белгиларим олгин ёд,
Улар берар ахборот.
Ҳаммаси турли жойда
Билсанг ўзингга фойда.*



7.10. Ҳайиқмайг,
дўстларим
осма кўприкда
Машиналар бунда
ўтар кўриқдан.



7.6. Нега тушунмайсан,
қовоқ уясан
Машинани ерга
шундай кўясан.




7.9. Зиммамга сизга
шуни
Айтиш менга
юқланган.
Тўхтаб туриш
муддати
Ярим соат
чекланган.



7.16. Тойма, сув ҳам
чаплама
Ахир намдир
қоплама.



7.17. Ўтиши мумкин ҳар
он
Дейман, бирор
ногирон.




7.8. Ҳисобга ол шудир
жиҳат
Кўрсатилар пуллик
хизмат.



7.18. Бу ерларда шу
асно
Ногиронлар
мустанго.



7.12. Дейман: хатар
соҳаси
Хавфли йўлнинг
ёқаси.



7.15. Машинанинг
тезлигин
оширманглар зиёда
Бунда ўтиши мумкин,
кўзи ожиз пиёда.



BIR PARCHA YER UCHUN...

Bir kuni urishib qoldi qo'shnilar,
Bir-birin dillarini etdilar xufton,
Biri qo'l ko'tarsa, biri o'shqirar,
Nahot shunchalikka etibdi inson.



Bir parcha yer uchun xo'p tortishdilar,
Insofu vijdanni otdilar har yon.
Bi paytlar qiyomat qo'shni edilar,
Boylik yo'llaridan ozdirdi oson.

Talashib-tortishib yurdilar ko'p on,
Yana janjal chiqdi, dardlari eski.
Shu on sado keldi, yerdan nogahon,
"Nodonlar, men emas, sizlar meniki!"

Zulfiya BOBOYEVA,

Navoiy viloyati,

*Navoiy tumanidagi X. Egamov nomli
9-maktabning o'quvchisi*



XALQIM MENING

Ota-onamdiansan,
Ulfatu sirdoshim.
Mehr-muhabbati bisyor,
Xalqim mening!

Farzanding ekanman,
Yuksakdir boshim.
Qilgum sendan iftixor,
Xalqim mening!

Rustamjon TURSUNOV,
*Hamza tumanidagi
204-maktabning
7-"G" sinf o'uvchisi*

MAQOLLAR

Ayiq sevar asalni,
Inson kitob-asarni.
Aybim yo'qdir
deb so'ylama,
Hech kim bilmas
deb o'ylama.

Ayrilsang chaqar ari,
Agar bo'linsang bari.

Maqtanma tiling bilan,
Maqtan biliming bilan.

Nargiza NISHONBOYEVA,
*Toshkent viloyati, Chinoz
tumanidagi Abu Rayhon
Beruniy nomli maktabning
8-sinf o'quvchisi.*

**VATANPARVAR INSON
- ELIGA POSBON**

Ona-Vatanning go'zal tabiatidan zavqlana bilmagan va uni zebo qilish uchun kurashmagan kishidan vatanparvar chiqmaydi. Chunki uning dilida Vatani ishqiy yo'q.

Ona-yer haqida quruq gap sotgan kishi emas, balki uning boyligi va go'zalligi ustida g'amho'rlik qilgan inson haqiqiy vatanparvardir.

Ona-yerga bo'lgan mehr bilan elga bo'lgan hurmat egizakdir.

Jamiyatning moddiy va ma'naviy boyligini ko'z qorachig'iday asrash va uni ko'paytirish borish ustida sidqidillik bilan mehnat qilish - chin vatanparvarning ishi.

Chin insonning sevgisi uning vatanga bo'lgan muhabbati bilan egizak bo'ladi va bu hissiyotlar bir-biridan quvvat oladi.

Bizda Vatanning qudrati avlodning vatanparvarligi tuyg'usi bilan mutanosib ravishda rivojlanadi.

Ona-yerni sevmagan, elini sevmagan boladan vatanparvar chiqmaydi.

O'zingizdagi barcha fazilatlar uchun avvalo ona-Vatandan va oliyanob insonlardan qarzorsiz.

**БИЛАФОН БОЛАЛАР
ДИҚҚАТИГА**

Сиз «Тонг юлдузи» газетаси саҳифаларида учрайдиган хатоларни албатта топиб, бизга ёзиб юборинг. Чунки атайин билафон ва топафонлигингни синаш мақсадида ҳарфлар тушириб қолдирилади ёки қўшиб қўйилади. Тиниш белгилари ўз ўрнида ишлатилмайди...

Мақсадимиз: билимли бўлинг. Чунки осмонни юлдузлар, ерни эса билимлилар безар.

KATTA TANAFFUSDA

Dilbarning qo'lidagi yangi Gelli ruchkani shamoldek kelib olgan Yo'ldoshga hech kim yeta olmadi. Darsda Dilbar ruchkamni bersin deb Oyzoda opaga shikoyat qildi. GstoZ Yo'ldoshni sinf burchagiga turgazib qo'ydi. Dilbar bundan qoniqmay, unga qog'oz yumaloqlab otdi. Yo'ldosh esa cho'ntagidan ragatka chiqazib, qog'oz «o'q»larini unga zarb bilan qaytara boshladi. Katta tanaffusda boshlangan mash-masha darsda ham davom etdi. Bunda kimning aybi katta?




Xurshida BOYMIRZAYVA,
*Mirzo Ulug'bek tumanidagi 248- maktabning
7-sinf o'quvchisi.*



Азиз ўқувчилар! Бошқотирма "К" ҳарфи билан тугайдиган сўзлардан иборатдир.

1. Табиат ҳодисаси.
2. Қаноти бор, қони йўқ. Туҳум кўяр, сони йўқ.
3. Чўлда ўсувчи ўсимлик.
4. Сайроқи тоғ қуши.
5. Тovuқларнинг уйи.
6. Қовун нави.
7. Чўри қиз.
8. Оҳу.
9. Кўзнинг кўриқчиси.
10. Катта эмас.
11. Тарвузим бор уруғсиз. Пичоқ билан кесилмас. Кесганинда ҳам уни Маза қилиб еб бўлмас.
12. Кеч куз.
13. Ит.
14. Одамнинг устки кийими.
15. Ёмғир суви тўпланиб қолган жой.
16. Тап-тап этар, тагидан карвон ўтар.
17. Ғўза ҳосили.
18. Резина олинадиган дарахт.
19. Турмушга чиққан қиз.
20. Бугдой чиқиндиси.
21. Ҳашаматли бино.



Тузувчи: Шерзод ЗОЙИРОВ,
Тошкентдаги 229-мактаб ўқувчиси.

Ўзбекистон
болалари ва
ўсмирларнинг
газетаси

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
ҚЎМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН» ХАЙРИЯ
ЖАМҒАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:

Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

- Шухрат АҲМЕДОВ,
Йўлдош САИДЖОНОВ,
Ойниса МУСУРМОҒОВА,
Комил ЮСУПОВ,
Мукаррама МУРОДОВА,
Суннатилла ҚЎЗИЕВ,
Эргашвой САРИҚОВ.

Ношир
«Ijod dunyosi»
нашриёт уйи

Ижарадаги Тошкент
Матбаа комбинатида
офсет усулида 39092
нускада босилди. Ҳажми 2
босма табоқ.
Буюртма - К-8455
Газетани
Муҳаббат МАҲСУДОВА
саҳифалади.
Навбатчи:
Муҳаррама ПИРМАТОВА.

Руйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
Манзилимиз 700129,
Тошкент шаҳри, Навоий
кўчаси, 30-уй.
Индекс 198



Тел: 144-62-34.